

## ХАБАРЛАР

# Россия ички ёқилғи бозорини таъминлаш учун дизел экспортини тақиқлади

дақиқа аввал



Украина дронларининг нефтни қайта ишлаш заводларига мунтазам ҳужумлари ортидан юзага келган тақчиллик ва айрим ҳудудларда нархлар кескин ошиши ортидан Россия дизел экспортини тақиқлади.

Бу ички ёқилғи бозорини қўллаб-қувватлаш бўйича чоралар пакетининг бир қисми ҳисобланади.

Қўллаб ҳудудларда ҳайдовчилар ёқилғи қуйиш учун соатлаб навбат кутишмоқда.

Украина томонидан Россия энергетика инфратузилмасига кучайиб бораётган зарбалар дизел ва бензин таъминотини қисқартирмоқда.

Бош вазир ўринбосари Александр Новак телевидение орқали намойиш этилган ҳукумат йиғилишида ёқилғи билан боғлиқ вазият ҳамон мураккаблигича қолаётгани ва ёқилғи қуйиш шохобчаларидаги ҳозирги вазият аҳоли орасида ташвиш уйғотаётганини айтди.

*- Бугун дизел экспортга тақиб жорий этилди, бу эса кўпроқ ҳажмни ички бозорга йўналтириш имконини беради. Июль ойида биз нефт маҳсулотлари импортини ҳам бошлаймиз ва экологик кўрсаткичлари пастроқ бўлган ёқилғидан фойдаланиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб борамиз, - деди Россия бош вазири ўринбосари Александр Новак.*

Ҳукумат маълум қилишича, мазкур тақиб ёқилғи ишлаб чиқарувчиларни ҳам қамраб олади ва 31 июлгача амал қилади.

Маҳаллий ОАВ хабарлари ва расмийлар баёнотларига кўра, июнь ойдан бери Россия ҳудудларининг 90 фоиздан ортиғида ёқилғи тақсимоти чекланган ёки ёқилғи тақчиллиги кузатилган.

Сўнгги кунларда Украина Сибирдаги Омск вилоятигача бўлган ҳудудларда Россия нефтни қайта ишлаш заводларига зарба берган.

Айрим ҳудудларда бир харидорга сотиладиган ёқилғи миқдори чекланган, бошқаларида эса захира тўплашнинг олдини олиш учун канистрларга ёқилғи қуйиш тақиқланган.

Яқинда ёқилғи тақчиллигини тан олган, аммо уни жиддий эмас, деб баҳолаган Путин Киевни Россияда асабий вазият яратиш ҳамда Россия иқтисодиётига зарар етказишга уриняпти, деб айблади.

Путин, шунингдек, Кремл расмийларга аннексия қилган Қримда ёқилғи инқирозини «имкон қадар тезроқ» ҳал қилишни топширди. Бу ҳудудда тақчиллик айниқса оғир тус олган.

Украина бир неча ойдан бери Россия энергетика инфратузилмасини, айниқса нефтни қайта ишлаш заводлари ва нефт базаларини нишонга олмоқда.

Киевга кўра, бу Москванинг чўзилиб бораётган ҳарбий амалиётларига жавоб сифатида ҳамда Россияни музокаралар столига ўтиришга мажбур қилиш мақсадида амалга оширилмоқда.

